БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (БХСР)НИНГ ИТАЛИЯ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Турдали Қамбарович Нуридинов
Қўқон давлат педагогика институти, Тарих кафедраси катта ўқитувчиси
turdali.nuridinov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада БХСРнинг 1922-1923 йилларда Италия савдо ишлаб чиқариш фирмалари билан олиб борган иқтисодий алоқалари ёритилади. Кавказорти шаҳарларида иш юритган Бухоро савдо бўлими Италиянинг Мундус, Бенедикт Лтд фирмалари билан савдо алоқаларини ўрнатди. Совет савдо ташкилотларининг аралашуви натижасида ҳамкорлик муносабатларига барҳам берилганлиги ёритилади.

Калит сўзлар: БХСР, Кавказорти, савдо бўлими, Триест, Мундус, Таке сутра, Бенедикт Лтд, Авери, Ласе, Шарқий савдо синдикати, ҳамкорликнинг тугатилиши.

ECONOMIC COOPERATION OF THE BUKHARA PUBLIC SOVIET REPUBLIC (BPSR) WITH ITALY

Turdali Kambarovich Nuridinov
Senior teacher of the department of History, Kokand State Pedagogical Institute
turdali.nuridinov@mail.ru

ABSTRACT

The article describes the economic relations of BPSR with Italian trade and manufacturing companies in 1922-1923. The Bukhara trade department, which operates in the cities of the Caucasus, has established trade relations with the Italian companies Mundus and Benedict Ltd. It is also stated that as a result of the intervention of Soviet trade organizations, cooperation was terminated.

Keywords: BPSR, Caucasus, trade department, Triest, Mundus, Take Sutra, Benedict Ltd, Avery, Lase, South trade syndicate, over the relation.

КИРИШ

Жаҳон мамлакатлари ички ва ташқи сиёсатида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик, кенг маданий ҳамкорлик масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур жараён 1920-1924 йилларда мавжуд бўлган Бухоро халқ совет республикаси (БХСР)нинг иқтисодий ва маданий алоқалари тарихини умум эътироф этган илмий тамойиллар асосида яхлит тадқиқ қилишни заруратга айлантирмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Совет ҳокимияти йилларида ташқи алоқалар мавзуси етарлича ўрганилмаган ва у бир томонлама талқин этилган. Ўзбекистон ва унинг ҳудудида совет даврида мавжуд бўлган давлатларнинг тарихига холис баҳо бериш мустақиллик йилларида бошланди. Мустақиллик йилларида Қ. Ражабов, Ф. Қосимов, С. Иноятов, У. Рашидов, Ш. Ҳайитов, С. Бадриддинов, К. Раҳмоновлар томонидан БХСР тарихининг турли масалалари ўрганилган. Хорижий ва ўзбек тарихчилари тадқиқотларида XX аср бошларида Бухорода рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, совет ҳокимиятига қарши кураш масалалари ўрганилиб, ташқи алоқалар масаласи тадқиқот доирасидан четда қолган. БХСРнинг совет республикалари, Шарқ ва Ғарб давлатлари билан олиб борган иқтисодий ва маданий алоқалари тарихи, республика ҳукуматининг Бухорода замонавий халқ хўжалигини шакллантириш ва ривожлантириш учун олиб борган ҳамкорлиги, совет ҳокимиятининг ташқи алоқаларга кўрсатган салбий таъсири каби масалаларни бирламчи тарихий манбалар асосида ўрганиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ушбу мақолада тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез ҳамда муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

БХСР даврий матбуоти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондларида сақланаётган архив ҳужжатлари материаллари илк марта илмий муомалага тортилиши натижасида БХСРнинг Италия савдо ташкилотлари билан олиб борган алоқаларига оид маълумотлар аниқланди.

МУҲОКАМА

1920-1924 йилларда мавжуд бўлган БХСР тарихининг совет даврида ўрганилмаган ташқи алоқаларини илмий асосда ўрганиш муҳимдир. БХСРнинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий

ҳамкорликдан кўзлаган мақсади “халққа эркин маишат, иқтисодий озодлик, асрлардан буён амирликнинг асоратида ётган халқни маданият тараққийсига чиқармоқ эди” [1.1922 йил, 8 июл, № 89 сон.]. БХСР ташқи сиёсати совет ҳукумати билан тузилган шартномалар доирасида амалга оширилишига қарамасдан, Бухоронинг Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатлари билан йўлга қўйган ҳамкорлиги тарихини ўрганиш илк марта амалга оширилмоқда.

Бухоро халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун 1921 йилда аввало Германия капиталини жалб қилиш масаласи ҳукумат даражасида кўтарилди [2.38-варақ]. Бухорода замонавий халқ хўжалиги асосларини вужудга келтиришнинг энг муҳим шартларидан бири республика қишлоқ хўжалигига илғор хорижий техникани олиб кириш, республикада хом ашёни қайта ишлаш саноатини ташкил этишдан иборат эди. Биринчи жаҳон урушига қадар Бухоро амирлиги ўзининг қимматбаҳо хом ашёси бўлган қоракўл тери, ширинмия илдизи ва бошқа маҳсулотларини Европа, асосан, Германия бозорига чиқарган эди. 1917 йилда Россияда большевиклар ҳокимиятга келгач, вазият тубдан ўзгарди ва мазкур жараён Бухородаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга ўз таъсирини кўрсатди. Россияда бошланган фуқаролар уруши натижасида Бухоро маълум вақт давомида хом ашё чиқарадиган, саноат маҳсулотлари ва ёқилғи киритадиган бозоридан маҳрум бўлди. 1920 йилда Бухорода амирлик тузуми тугатилгач, ҳокимиятга келган янги ҳукумат олдида хўжаликни янги асосда барпо этиш вазифаси турарди. БХСР ҳукуматининг Ғарбий Европа давлатлари ва АҚШ билан иқтисодий ҳамкорлигида Кавказорти ҳудуди БХСР учун мазкур мамлакатлар бозорларига чиқиш кўприги бўлиб хизмат қилди. БХСР ҳукумати 1921 йил 15 декабрда Бухоро ташқи савдо бўлимининг Кавказортининг Боку, Ботуми, Тбилиси шаҳарларида савдо ваколатхоналарини очишга қарор қилди [3. 191-варақ].

1921 йил баҳорида РСФСР иқтисодиётида янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан иқтисодий чекловлар бекор қилиниб, мамлакат иқтисодиётига хорижий фирмалар, чет эл капитали кириб кела бошлади. БХСР ҳукумати Кавказорти федерацияси ҳудудида ташкил этилган савдо бўлимлари орқали Ғарбий Европа ва АҚШ билан иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни йўлга қўйди. БХСР савдо ваколатхонасининг Тбилисидаги бўлими 1922 йил 4 ноябрдан 1923 йилнинг 15 сентябригача, Ботумидаги бўлими 1922 йил 9 декабрдан 1923 йил 7 сентябргача фаолият кўрсатди [4. 27-варақ].

Кавказортининг Боку, Тифлис, Ботуми шаҳарларида фаолият юритган савдо бўлимлари, нафақат бу ердаги давлат ва хусусий фирмалар билан, балки Кавказортида ваколатхоналари мавжуд бўлган Ғарбий Европа ва АҚШ

фирмалари билан ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Савдо ваколатхонаси Бухоро қишлоқ хўжалигига буғ ва электр машиналарини олиб кириш, чорва махсулотларини хом ашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида чет эл бозорига олиб чиқишга аҳамият қаратади. Бухоронинг бой табиий бойликларидан мамлакат тараққиёти учун фойдаланишда илғор техникага эга бўлган мамлакатларга концессия бериш масаласи муҳим ўрин тутади [5. 38-варақ].

БХСРнинг Кавказортидаги савдо бўлимлари 1923 йил бошларида Ғарбий Европанинг Германия, Италия, Швеция, Франция, АҚШ савдо-саноат доиралари билан ўзаро иқтисодий алоқаларни ўрнатди.

1920-1924 йилларда мавжуд бўлган БХСР совет давлат органларининг рухсати ва назоратида ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишга мажбур бўлган эди. 1923 йилнинг баҳор ва ёз ойларида савдо ваколатхонасининг Европалик ҳамкорлари доираси янада кенгайди. Мазкур алоқалар совет давлатининг ушбу давлатлар билан тузган шартномалари асосида амалга оширилган. Бухоро маҳсулотлари хориж бозорига совет ҳукумати рухсат берган тартибда олиб чиқилган. БХСРнинг Кавказ ортида иш юритган савдо бўлими 1923 йилнинг март-июнь ойларида Италиянинг савдо ва ишлаб чиқариш фирмалари билан савдо муносабатларини йўлга қўйди. Триест шаҳрида жойлашган РСФСР ташқи савдо халқ комиссарлиги вакили орқали итальян савдо фирмалари билан БХСРнинг Кавказортидаги савдо бўлими ўртасида ҳамкорлик ўрнатилди. Триестга юборилган маҳсулотлар ичида қўй ичаклари муҳим ўрин тутган эди. 1923 йилнинг март ойида 164 512 дона ёки 740 пуд қўй ичаклари италиялик савдо ҳамкорларига етказиб берилди [6. 45-варақ]. БХСРнинг Кавказортидаги савдо бўлими Италияга қўй ичакларини чиқариш масаласида РСФСР ташқи савдо халқ комиссарлигининг Шарқий савдо синдикати орқали амалга оширган эди [7. 36-варақ].

1923 йлнинг 24 майда Италиянинг Мундус акциядорлик жамиятига 5920 кг, шу йилнинг 15 июнда 3096 кг ишлов берилган қўй ичаклари жўнатилди [8. 47-варақ]. БХСР савдо бўлимига тегишли бўлган қўй ичаклари Италиянинг Генуя шаҳрида жойлашган “Таке Сукра” акциядорлик жамиятининг параходлари орқали етказиб берилган [9. 94- варақ].

1923 йил бошларида Кавказортида фаолият юритган савдо бўлимларининг хорижий мамлакатлар савдо ва ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик алоқалари доираси кенгайди. Бу даврда Бухоро халқ хўжалигига хориж техникасини ва капиталини олиб киришга муҳим вазифа сифатида қаралди. БХСРнинг Кавказортида фаолият юритган савдо ваколатхонасининг Италия

“Бенедикт ЛТД” фирмаси билан ўрнатган иқтисодий ҳамкорлиги Бухоро халқ хўжалигига хориж техникасини киритиш масаласига қаратилган эди.

1920-1924 йилларда Бухоро қишлоқ хўжалигига чет эл капиталини жалб қилиш орқали мазкур соҳада илғор техникадан фойдаланиш, янги ерларни ўзлаштириш БХСР ҳукумати учун муҳим масалалардан ҳисобланган. БХСРнинг Кавказорти савдо ваколатхонасига Италиянинг “Бенедикт ЛТД” фирмаси мазкур масалада мурожаат қилиб, Бухоро қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган техникаларни тавсия этган эди. Италия фирмаси БХСР ҳукуматига ҳар икки томон ўртасида аралаш жамият тузиш лойиҳасини тақдим этди. Унга кўра, итальян фирмаси Бухоро ҳудудидаги 75 000 десятина ерга ишлов бериш имкониятига эга бўлган тракторлар ва уларга тегишли бошқа ускуналарни етказиб бериш кафолатини олди. Итальян ширкати ихтиёрида мазкур даврда 259 дона трактор мавжуд бўлиб, уларни 2 ой муддат ичида Кавказортининг Ботуми портига етказиб келиш мумкин эди. Италия ширкати ўзаро ҳамкорликда тузиладиган корхонани ташкил этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ барча жараёнларни ўз зиммасига олган эди. Шунингдек, ўзаро келишувга кўра, маҳаллий аҳоли вакилларидан 100 дан кам бўлмаган кишини янги техникадан фойдаланишга ўргатиш мажбуриятини ҳам олган эди. Энг аҳамиятли томони Италия ширкати Бухорога етказиб бериладиган техниканинг ярим қийматини ўз ҳисобидан тўлаш кафолатини берган эди. Италия ширкати 1923 йил 20 майда БХСР савдо ваколатхонасига Бухорога етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик техникаси ва уларнинг қиймати ҳақидаги маълумотларни беради. Италияда ишлаб чиқарилган “Авери” тракторларининг жами қиймати 1 362 000, “Ласе” маркали плуглар ва сўқалар – 32 200, уларга зарур эҳтиёт қисмлар – 186 200 совет рублини ташкил этиб, етказиб берилаётган маҳсулотнинг умумий қиймати 1 580 400 рублни ташкил этган [10. 19-варақ]. Шартномада томонларнинг ўзаро молиявий мажбуриятлари белгиланиб, белгиланган сумманинг 400 000 рублини харид амалга оширилгач, бир йилдан кейин 200 000 рублини, икки йилдан кейин қолган 200 минг рублини БХСР ҳукумати қоплаши кўрсатилган. Шартномада кўрсатилган маблағнинг 50 %ни итальян ширкати томонидан қопланиши белгиланган эди [10. 24-варақ]. Юқоридаги маълумотлар италиялик ҳамкорларнинг Бухоро иқтисодий манфаатларига нисбатан ҳурмат нуқтаи назаридан қараганлигидан далолат беради. Икки ўртадаги ҳамкорлик соҳалари кенгайиб борди. Италиянинг Бенедикт ширкати билан БХСР савдо ваколатхонаси ўртасида қўй ичакларини етказиб бериш ҳақида ҳам келишувга эришилди. 1923 йилнинг баҳор-ёз ойларида биринчи марта 150 000, иккинчи

марта эса 25 000 дона қўй ичагини итальян ширкатига етказиб беришга келишилган эди [8. 31-32-варақлар].

ХУЛОСА

БХСРнинг Европа мамлакатлари билан амалга оширган иқтисодий ҳамкорлигининг самарали тарзда олиб борилишига томонлар ўртасидаги муносабатларнинг совет органлари иштироки ва назорати остида амалга оширилганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатган эди. БХСР савдо ваколатхонаси билан Италия савдо ширкатлари ўртасидаги савдо муносабатлари РСФСР ташқи савдо халқ комиссарлигининг Римдаги вакили воситачилигида олиб борилди. Совет давлат органлари БХСРнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларининг кенгайиши ва ривожланишидан манфаатдор бўлмаган ва турли йўллар билан халақит беришга ҳаракат қилганлар. Масалан, совет савдо органларининг сансалорлиги натижасида қўй ичаклари сифатининг бузилиш ҳолатлари рўй берди, маҳсулот сонининг ҳужжатда кўрсатилганидан кам чиқиш ҳолатлари рўй берди. Бундай ҳолатларнинг рўй бериши томонлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг йўқолишига, савдо муносабатларининг издан чиқишига олиб келди.

1923 йил кузида совет ҳукуматининг сиёсати натижасида БХСРнинг Кавказортидаги савдо бўлимлари тугатилди ва БХСРнинг Италия савдо ва ишлаб чиқарувчи муассасалари билан иқтисодий ҳамкорлиги барҳам топди. Хулоса қилиб айтганда, БХСРнинг Кавказорти савдо ваколатхонасининг тугатилиши БХСР савдо бўлимларининг Италия ширкатлари билан ҳамкорлик муносабатларининг тўхтатилишига олиб келди.

Бир сўз билан айтганда, мураккаб тарихий шароитга қарамасдан БХСР ҳукумати дунёнинг илғор мамлакатлари билан кенг иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга ҳаракат қилди. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда Кавказортида фаолият олиб борган савдо бўлимлари муҳим роль ўйнади. Бухоро халқ хўжалигига илғор хорижий техникани жорий этиш, қишлоқ хўжалиги учун янги ерларни ўзлаштиришда чет эллик ҳамкорларни жалб этиш, чет эл техникасини киритиш бўйича бир қатор тадбирлар режалаштирилди. Бироқ ташқи алоқаларнинг совет савдо муассасалари томонидан назорат қилиниши хорижий мамлакатлар, жумладан Италия билан иқтисодий алоқаларнинг тўхтатилишига олиб келди.

REFERENCES

1. ”Бухоро ахбори” 1922 йил, 8 июл, № 89 сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (кейинги ўринларда Ўз МДА,) 47-фонд, 1-рўйхат, 525-иш, 38-варақ.
3. ЎзМДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 19-иш.
4. ЎзМДА, 1914- фонд, 1-рўйхат, 1-иш.
5. Ўз МДА, 47-фонд, 1-рўйҳат, 52-иш.
6. ЎзМДА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 9-иш.
7. ЎзМДА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 8-иш.
8. ЎзМДА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 11-иш.
9. ЎзМДА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 12-иш.
10. ЎзМДА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 7-иш.